



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 июл, жума № 115 (1129)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ва республика олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш тўғрисида 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Белгилаб қўйилсинки, таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун олий ўқув юртларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки вақиларига берилади.
2. Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
3. Тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва олий таълим муассасаларининг: чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари учун - фоизсиз таълим кредитлари бериш; кам таъминланган оилалардан чиққан тала-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 июл

«Атласчи»лар оромгоҳида бўлганмисиз! Наманган шаҳридаги «Атлас» хиссадорлик жамиятига қарашли ва вилоят енгил sanoat тармоғи ишчи-хизматчилари ўғил-қизларининг ёзги таътилларини марокли ўтказишлариغا мўлжалланган бу маскан чинакамига жаннат макон гўшалардан биридир.

Икки тарафда Унгор ва Буспу тоғлари, кунчиқар томонда осмонупар Почча-ота тоғи қадкерган. Биллур сувли сойнинг ўйноқи тўқинлари Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғи ёнгинасида жойлашган оромгоҳ четларини ювиб ўтади. Шу боис ёз ойларининг ҳар қанча жазирамасида ҳам бундан ҳарорат 30 даражадан ошмайди. Бинобарин, қорақалпоқ ўқувчилари бир қисмининг ёзги таътилларини шу ерда ўтказиш режалаштирилганлиги ҳам бежиз эмас.

— Бу хусусдаги таклифни эшитганимиз-

ларди. Бунинг устига оромгоҳ четига жойлашган. Бу йил уни ётоқхонага яқинроқ жойга қўчириб келтирдик. Бу ишларни бажаришда бизга Наманган шаҳри

эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. — Бугунги кунда қорақалпоқ ўқувчиларидан 90 нафари ҳордиқ чиқаряпти, — дейди тарбиячи Гулнора Хайдарова. — Бир-икки кун ичидаёқ тенгдошлари билан дўст бўлиб кетишди. Турли хил спорт мусобақаларимизда, тўғаракларимизда, деярли ҳар кун уюштирилаётган бадиий ва ўйин-кулгу кечаларимизда, концертларимизда фаол иштирок этишяпти. Даврага Қорақалпоғистондан келган тарбиячилар Қурбонгул Полдонова, Гулнора Хўжамуродова, Рада Эшму-

Ёз ўтмоқда соз


родовалар ҳам кўшилади. Кечкурун уйку олдидан ичиш учун сут тарқатилади. Мева ва сабзавотлар етарли. Кутубхоначи Замирахон Рустамова, мусиқа ўқитувчиси Шавкат Юсупов, спорт йўриқчиси Насимжон Азизовлар болаларнинг бир дақиқа бўлса-да зерикашига йўл қўйишмайди. Тиббиёт ходимлари ўғил-қизлар саломатлигини доимо назорат қилиб боришмоқда. — «Атлас» оромгоҳида ўтказилган кунлар Қорақалпоғистондан келган болалар ва биз тарбиячилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, — дейди Тошовуз туманидан келган тарбиячи Р.Эшмуродова. **Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.**

ГУЛГУН ЧЕХРАЛАР

марказий истироҳат боғининг мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Табиийки, бу тадбирларни амалга оширишда, қолаверса, зарур бўлган барча шарт-шароитларни муҳайё этишда корхонамиз маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси бошқос бўлдилар. Оромгоҳ ҳаёти билан танишиш жараёнида биз ҳам бу ернинг чинакамига фусункор

ЗАМОНАВИЙ СУТ ЗАВОДИ

Учқудуқ шаҳрида замонавий сүт заводи фойдаланишга топширилди. У шаҳар аҳолисини ва Навоий конметаллургия комбинатининг Шимолий конбошқармаси ишчиларини сүт ва сүт махсулотлари билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эга. Бу ерда Исроилнинг замонавий технологияси ёрдамида бир кеча-кундузда 10 тонна сүт қайта ишланиб, 16 турдаги махсулот ишлаб чиқарилади. Иншоотни Учқудуқдаги Шимолий кон бошқармаси курувчилари бунёд этди. Корхонамиз тўла қувват билан ишга тушган, нафақат шаҳримиз аҳолисига, балки қўшни Зарафшон шаҳри кончиларига ҳам сүт ва сүт махсулотлари етказиб берамиз, — дейди сүт заводи директори Надежда Шапенкова.



Истиқлол шарофати билан юртимизда соҳага ихтисослашган кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиляпти. Яқинда Эллиққалъа туманида ҳам «Бўстондонмахсулот» «Петкус» уруғ тозалаш кичик цехи иш бошлади. Бу ерда суткасига 25 тонна бугдойга

Қарор ва ижро «ЧИМЁН»ДА ОРОЛБЎЙИ АЁЛЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисидаги Қароридан сўнг Оролбўйи аҳолисини ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга Фарғона вилоят аҳли биринчилардан бўлиб бел боғлади. Пишиб етилган сархил мевалар, 17 миллион сўмлик sanoat махсулотлари Оролбўйи аҳолисига етказиб берилди. Шунингдек, сўлим диёрнинг хушманзара оромгоҳларида Қорақалпоғистон ва хоразмлик мактаб ўқувчиларининг ёз мавсумини кўнглили ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилган. — Меҳнатқашларни ижтимоий ҳўмоялаш, яхши дам олишларини таъминлаш касоба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, — дейди Фарғона вилояти касоба уюшмалари Кенгаши раиси Анваржон Юнусов. — Оролбўйилик биродарларимизнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришлари, соғлиқларини тиклашни ташкил этишда вилоят Кенгаши ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Чимён» сўхтағоҳида 81 нафар Оролбўйи аёллари Кенгашимиз йўлланмаси билан ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклашяпти. Бу йил ана шундай ҳомийлик йўли билан 400 нафар хотин-қизга мурувват кўрсатишга қарор қилинган. Бу соғлом она ва баркамол авлод йўлида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга биз кўшадиган камтарона ҳиссадир. — Қорақалпоғистон ва Хоразмдан келган оналарга алоҳида эҳтиром кўрсатаёلمиз, — дейди бош хақимнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Лазоқат Боймирзаева. — 17 нафар шифокоримиз меҳмонлар атрофида парвона. Улар олтингурутли сув, балчиқ, парафин билан даволанаётдилар. — Биз 81 нафар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятилик хотин-қизлар Президентимизнинг гамхўрлиги билан дам олиш ва соғлиғимизни тиклаш мақсадида бу сўхтағоҳга келдик, — дейди гуруҳ раҳбари Қишқон Матчоновна. — Бизга бу имкониятни яратиб берган ҳўкуматимизга минг раҳмат. Қолаверса, келган кунимиздан очиқ чехра ва меҳмондўстлик билан кутиб олган сўхтағо шифокорларидан жуда миннатдоримиз. Дардларимиздан халос бўлишимизга ўз хиссаларини қўшган шифокорлар ва ҳамширалар Моҳирахон Эрболаева, Юнусали Сотқинов, Отикахон Хўсанова, Гулбахор Азимова, Мўҳаббатхон Тешабоева ва бошқаларга қўлларингиз асло дард кўрмасин, деймиз. — Биз ўз юртимизга зўр таассуротлар билан қайтмоқдамиз, — дейди Қонлиқўл туманидаги «Зокир» фермер ҳўжалиги раҳбари Турдигул Қаймуротова. — Бизни сайёҳатларга олиб боришди, маданий дам олишимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб беришди. Яхши инсонлар ҳаммиша қалб ардоғимизда бўлади. Бу ерда ўтган заўли кунларимиз ҳақида ҳамқўшлоқларимизга фахр-ифтихор билан сўзлаб берамиз. Фарғонани бежиз ўрта Осиёнинг марвариди, дейишмас экан. — Биз оналар ва болалар тўғрисида, умуман Оролбўйи аҳолиси ҳақида Юртбошимиз оталарча гамхўрлик қилаётганидан бошимиз осмонга етди, — дейди Тахтақўпир туман Марказий шифохонаси бош ҳамшираси Қаллигул Кенжабоева. — Фарғонада биринчи бор бўлишим. Хўшманзара табияти, ажойиб феълли, бағри кенг, хўшмуомалали одамлари мени мафтун этди. **А. ТўХТАСИНОВ, «Ишонч» муҳбири.**

Яқин кунларда Яқкабоғ шаҳрида 2 минг 500 нафар Яқкабоғ кўрғонидан эса минг нафар абонентга хизмат кўрсатишга мўлжалланган Германиядаги «Алкател» фирмасининг С-12 русумли замонавий станциялари ўрнатилди.

«АЛКАТЕЛ» СОВФАСИ

— Бугунги кунда филиалимиз томонидан бир қанча ишлар амалга ошириляпти, — деди «Қашқадарётелефон» шўъба корхонаси туман филиалининг бошлиғи Нурмаҳмад Эраҳматов. — Жумладан, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари билан алоқа қилиш учун 24 метрли антенналар ўрнатилди, марказий АТС дан жойларга бораётган ерос-ти қувурлари таъмирланиб, уларга шиша толали кабеллар ётқизилди. Белгиланган режага кўра, мустақиллик кўнигача «Алкател» мутахассислари келиб, рақамли автомат телефон станцияларини ишга туширилади. Бу дегани, жорий йилнинг ўзидаёқ Яқкабоғ тумани аҳолисини жаҳон андозасига мос телефон хизматида фойдаланишди. «Туркистон-пресс»

«Ишонч», 2001 йил 19 июн **Матбуот сўзининг таъсирчан кучи**

«АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...»

Газетанинг ушбу сарлавҳа остида чиқиши нафақат пойтахтимиз, балки бошқа вилоят, туман, шаҳарларда ҳам кенг жамоатчилик фикрини ўйғотди. Мақола юзасидан таҳририятимизга йўлланган мактубларда кўтарилган долзарб масала моҳияти қўллаб-қувватланиб, бу соҳадаги ишчи яхшилаш бўйича аниқ таклиф, истаклар ҳам билдирилади. Шубҳасиз, газета ва газетхонлар ҳамкорлиги жойларда ҳаётимиз манбаи — оқар сувларга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартириш, йўл қўйилган ҳато-камчиликларни бартараф этиш ҳамда зилол сувни ифлослантириш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Кўйида ана шу мақола юзасидан таҳририятимизга келган навбатдаги жавоб хатлари билан танишасиз. **МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИЛАР** — Мақолада кўтарилган масала ҳозирги кунимиз учун гоят аҳамиятлидир. Унда қайд этилган далилларни ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар кўриш учун туман ҳокимлигига йўлланган мутаассадди раҳбар ходимлар шундай фикрни билдиришди. Худудимиздан Бўрижар, Салор каналлари ҳамда Ракат ариғи оқиб ўтади. Газета чиқишида таъкидланган камчиликлар уларга ҳам хос. Буни туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази, ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ҳамда маҳалла кўмиталари фаоллари иштирокида ўтказилган рейд-текширувларимиз натижалари ҳам тасдиқлади. Унинг самараси ўлароқ Баҳодир, Беларик, Набережная кўчалари, Музаффаров кўрғончаси худудларида канал, ариқ киргоқларига ўзбошимчилик билан қурилган ҳожатхона, молхона, паррандахона ва шахсий ҳаммомлар буздирилди. Лекин афсуски, айрим фуқаролар гайриқонуний тиклаб олган иншоотларини бузишдан бош тортидилар. Масалан, академик Сирожидинов кўчасида яшовчилардан — Ш.Исаев, Б.Сойилов, Х.Саидов, Аҳмедова, Мухиддинов ва З.Пулатовлар қонун талабларини бажармаганликлари учун улар устидан тўпланган материаллар фуқаролик ишлари бўйича судга оширилди. Канал сувини ифлослантирган К.Яшин кўчасида истикомат қилувчи А.Сиддиқов ва Р.Болатлар эса маъмурий жавобгарликка тортилди. **А.МИРКОСИМОВ, Яқкасарой тумани ҳокими.** **КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛМОҚДА** — Газета мақоласи атрофида ўрганилди ва ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Ҳокимликнинг тегишли бўлимлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, амалий

ишга киришилди. Фаолият жараёнида Толарик, Қорасув, Баротхўжа каналлари киргоқлари бўйлаб ноқонуний қуриб олинган 56 та турли иншоотлар мавжудлиги аниқланди. Шу муносабат билан туман ҳокимининг 657-сонли «Каналлар бўйида жойлашган ноқонуний қурилмаларни буздириш тўғрисида»ги қарори чиқарилди. Унга биноан 22 та молхона, ҳожатхона ва бошқа маиший шохобчалар буздирилди. 8 та қурилма киргоқ бўйидан бошқа жойга қўчирилди. 8 нафар хонадон эгаси эса буйруқни бажаришдан бош тортиганиги сабабли ҳужжатлари туман фуқаролик ишлари бўйича судга топширилди. Қолган 18 нафар уй-жой эгаларига ўзбошимчилик билан тикланган иншоотларни бузиб ташлаш учун тегишли мuddат берилди. Ҳозирги кунда ишчи гуруҳи аниқ жадвал асосида каналлар бўйлаб назорат ишларини давом эттирмоқда ва шу тариқа аниқланган нохуш ҳолатларни тугатиш чора-тадбирларини кўраётир. **А.САФАРОВ, Ҳамза тумани ҳокими ўринбосари.** **СУВНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ ГУНОҲИ АЗИМ** — Мақолада қайд этилган далиллар туман ҳокимлиги тасвираси билан атрофида ўрганиб чиқилди ва ўз вақтида кўтарилган муҳим масала сифатида эътироф

этилди. Ҳақиқатан ҳам сувни булғаш, ифлослантириш инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек долзарб масалага панжа орасидан қараш билан баробардир. Оқар сувларимиз мусофалигини таъминлаш мақолада таъкидланганидек, барча-барчамизнинг жонажон ишимиз бўлмоғи лозим. Масалага шу нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, худудимизда йўл қўйилган камчиликларни тугатишда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этгани аниқ мuddадир. Туманимиз бўйича сувни ифлослантирувчи 11 та манба аниқланиб, уларнинг 5 таси мутасадди ташкилотлар томонидан бартараф этилди. Маҳалла оқсоқоллари кенгаши раисларига тегишли жазо чоралари кўрилгандан кейин қолган олти манбадаги муаммога ечим топилди. Қоидага кўра канал ва ариқлар бўйида 12 метр кенликда назорат қилиш йўллари бўлиши шарт. Бу йўллар нафақат назорат учун, балки каналларни тозалашда жуда асқотадиган майдонча ҳамдир. Бирок уни ҳамма жойда ҳам учратавермайсиз. Айрим сув ҳавзаларида уларнинг бир қисми ювилиб, йўқ бўлиб кетган. Қисқа қилиб айтганда, ариқ ва каналлар мутасаддилари ана шу назорат йўллари қайта тиклаш масаласида жиддий ўйлаб қўришлари лозим. Чунки, бундай тадбир оқар сувларнинг зилол оқибатини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. **А.САРИМСОҚОВ, Акмал Икромов тумани Давлат санитария назорати маркази бош шифокори.**

Жамиятимизда тадбиркорлик руҳини мустаҳкам қарор топтирайлик

Азим Керага тоғ этакларига туташиб кетган, бир томонда қир-адирлар савлат тўкиб турган, бог-роғлар узумзорларга бурканган, табиати фусункор туманимизнинг ташкил этилганига шу йилнинг кузида 20 йил тўлади. Худудимизда 9 та қишлоқ, 16 хўжалик ва 43 та маҳалла бор.

Туманимизда меҳнатсевар, бағрикенг одамларнинг кўлиги тадбиркорлик ҳаракатини авж олдириб имконини берди. Иқтисодимизнинг етакчи тармоғида 90 та фермер, 60 та деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларга 2700 гектар ер бериб берилган. Жорий йилда етиштирилган ялли ҳосилнинг 23 фоизи улар меҳнатининг маҳсули бўлди.

Айниқса, Р.Нормуродов раҳбарлик қилаётган «Обиджон» деҳқон фермер хўжалиги барчага ўрнак бўлмоқда. У бундан 6 йил бурун 11 гектар ерда 7 нафар ишчи билан иш бошлаган ва ҳар йили галладан ҳосилдорликни 60, пахтадан 45-50 центнерга етказиб, шартнома мажбуриятларини ортга билан бажариб келаётган миришкорлардан. Фермер ота-боболаримизнинг «Бир қўлингда шукр, бир қўлингда хайр бўлсин», деган нақлига амал қилиб, мурувватга муҳтож, кам таъминланган оилаларга ҳам баҳолиқудрат ёрдам кўрсатиб келаётди. Жумладан, «Шакарқамиш» ширкат хўжалигидаги икки маҳаллага ўз ҳисобидан қувур тортириб, тоза ичимлик суви келтирди. Эҳтиёжмандларга 100 минг сўмлик саховат

БАРҚАРОРЛИКНИНГ АСОСИЙ КАФОЛОТИ

Олтинсой туманида хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани халқ хунармандчилигини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш имконини берапти

кўрсатди. Ҳадемай, консерва цехи қуриб, ишга туширмоқчи. Шу ниятда россиялик ишбилармонлар билан битим тузилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бошқа фермер ва деҳқон хўжаликларига ибрат бўлмоқда.

Узбекистон Президентининг 1996 йил 12 мартдаги «Узбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида»ги Фармонига асосан қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, юридик ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиб, тадбиркорлик бўйича мутахассислар тайёрлаш, қайта ўқитиш, уларга қонун

доирасида меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ишида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси амалий ёрдам бериб келаётди. Шу боис, улар сони ой сайин ортиб

кредит олишиб, тадбиркорликни ривожлантиришга бел боғладилар. Малика Алимардонова яқна тартибда фаолият бошлаб, 14 нафар фуқарони иш билан таъминлади. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, яқинда Вазирил Маҳкамасида ярим йиллик яқунларига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтгандан сўнг, режаларимизни тезда қайта кўриб чиқдик. Чунки, йил охиригача кичик ва ўрта тадбиркорларимиз сонини 350 тага етказамиз. Ҳар бир маҳалла ҳудудиде кичик ва хусусий корхоналар, микрофирмалар, маиший хизмат турларини ташкил этиш режаларимиз бор. Бундан ташқари хунармандчиликка оид бешик, сандик, эгар тайёрлаш, уйларни безовчи турли буюмлар ишлаб чиқаришни жорий қилаймиз.

Ободонлаштириш ишларида эътиборни янада кучайтириш мақсадида яқин кунларда «Камол» кўп тармоқли хусусий фирма тасарруфиде қурилиш материалларидан гишт, оҳак, бетон плиталар тайёрлайдиган цехлар очмоқчимиз.

Барча жойда бўлгани каби туманимизда ҳам кичик ва ўрта бизнес тармоғини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун ҳуқуқшунос, менежер, ҳисобчилар тайёрловчи пуллик курслар ташкил этганмиз.

Рустам АЛИМОВ,
Олтинсой тумани
ҳокими, Олий
Мажлис депутати.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИ АСОСИДА

«Шўртаннефтьгаз» шўба корхонасида қудуқлардан олинган газни йиғиб, қайта ишлаш қурилмаларига юқори босимда узатувчи компрессор станцияси қурилишига киришилди.

Мазкур станция йилига 13,5 миллиард кубватига эга бўлиб, барча қудуқлардан олинган газни бешта қувур орқали 110 атмосфера босимда заводга жўнатиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради.

Хориж инвестицияси иштирокида қурилаётган мазкур станциянинг бош лойиҳачилари Исроилнинг «Бейтман» фирмаси ва Ўзбекистон лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот институти ҳисобланади. Лойиҳа баҳоси 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги бу иншоотда Америка Қўшма Штатларининг «Дрескор Ренд» компанияси агрегатларидан фойдаланилади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИ МАНБАИ

Пскент туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳар кун гавжум. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир кишининг ўз режаси бор. Бир қурилиш учун қўшимча ер олишда ёрдам сўраса, айримлари тайёр бинони сотиб олишда қўмақ беришимизни илтимос қилиб келишган. Яна бирининг мақсади кредит олиш. Палатага аъзо бўлиш истаги борлар ҳам талайгина.

Туман тадбиркорлар палатасига 800 нафардан зиёд киши аъзо. Шуларнинг асосий қисми, яъни 670 нафари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилардир. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, халқимизда эркин фаолият тури билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Уларнинг бу хайрли ишлари имкон даражасида қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам бериш, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг асосий вазифаси бўлиб, афсуски имкониятларимиз анча чекланган. Масалан, туманимизнинг аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган хусусий дўконларга саккиз турдаги қундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилишда амалий ёрдам

беролмапмиз. Сабаби — ушбу маҳсулотларни тақсимлаш туман савдо ташкилотига юкланган. Бу жамият эса ўзига аъзо бўлмаган савдо тармоғига маҳсулот бермайди.

Хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ривожининг асоси — бу кредитлардир. Биз аъзоларимизга ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришда, банк идоралари билан алоқа қилишларида ёрдам берамиз. Лекин кредит ололмаган кишиларга амалий ёрдам кўрсата олмаимиз. Чунки, банк муассасалари палаталар фикри билан мутлақо ҳисоблашмайди. Шу ўринда Вазирил Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2001 йилнинг биринчи ярим йилги яқунларига бағишланган йилгилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйи-

даги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир:

«Микрофирмаларни, кичик ва ўрта хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини жиддий равишда соддалаштириб, бу иш билан шуғулланадиган ягона марказни тузиш вақти келди. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ишини Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси орқали амалга ошириш мақсада мувофиқ. Улар барча шаҳар ва туманларда тузилган ахборот-маслаҳат марказлари орқали нафақат тадбиркорларга керакли ҳужжатларни тайёрлаб бериши ҳатто рўйхатдан ўтказиш органларида тадбиркорларнинг вақили вазифасини бажариши ҳам мумкин».

Уйлайманки, ушбу фикр ривожланиб келаётган тадбиркорликнинг янада юқори босқичга кўтаришга замин бўлиши шубҳасиздир.

Шухрат Жўраев,
Пскент туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси.

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИ

омилкор кишиларга бизнес режалар тузиш, ҳақ-ҳуқуқини таъин, молиявий ишларни юритишда қўл келяпти

Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналиши бўлган кичик ва ўрта бизнес фуқаролар моддий фаровонлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди. Ўз меҳнатига суянган, ишбилармон кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қашқадарёда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми кўпайтириб борилмоқда. Мақсадга эришишда Ўзбекистон Президентининг банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони қудратли омили бўлди. Ҳозирга келиб кредит олиш тартиби анча соддалашди, бу ишда адолатли йўл тутишга ҳаракат қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 300 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Улар шарафати ила 1953 та янги иш ўринлари яратилди. Мисолларга эътибор қилайлик. Қарши шаҳридаги «Кислород» таъминот сервис хусусий корхонаси ходимлари эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда сааноат қислороди ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга жазм этди. Бунинг учун банкдан 6,5 миллион сўм кредит олиб, катта имкониятга эга бўлдилар. Қатор ёшлар мўқим иш билан таъминланди. Ҳамжихатлик туфайли фаолият жонланди, олинган қарз муддатидан илгари қайтарилди.

«Хидир бобо» фермер хўжалиги ҳақида эндиликда илиқ гапларни айтишмоқда. Мулкдорлар банкдан 2 миллион 100 минг сўм микрокредит

олиб, қисқа вақт ичида ўзларини тутиб олдилар. Техника, ишчи кучи етарли бўлганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги боис, биринчи йиллик салмоқли ютуқларга эришилди.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, баъзи фермер хўжаликлари раҳбарларида ҳуқуқий ва иқтисодий билимлар етарли бўлмаганлиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга сафари чоғида бу каби камчиликларни алоҳида кўрсатиб ўтди. Президентимизнинг қимматли йўл-йўриқ ва маслаҳатлари асосида жойлардаги аҳоли синчиклаб ўрганилди. Натияжада қатор туманларда, хусусан, Деҳқонободда тадбиркорларга кредит ажратиш, уларни банк томонидан қўллаб-қувватлаш етарли эмаслиги маълум бўлди. Бундай камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркор мавжуд қонунларимизни яхши билиши, молиявий ишларни юритиш, бизнес режалар тузишда иқтисодий ва ҳуқуқий билимларга эга бўлиши керак. Шуни ҳисобга олиб, уларга консалтинг хизмати кўрсатишга эътибор кучайтирилди. Расмийчилик барҳам топаётганлиги, меъёрий ҳужжатлар, тегишли қўлланмалар мутасаддиларга тавсия этилаётганлиги уларнинг эъмин-эркин фаолият юритишларини таъминламоқда.

ЁЛҚИН.

Бахмал туманидаги қишлоқ дўконлари яна биттага кўпайди.

— Дўкон биносини ҳашар йўли билан бунёд этдик, - деди «Сангзор» масъулият чекланган жамият раиси Бахриддин Мусаев «Туркстон-пресс» муҳбирига. — Янги дўконда икки нафар тажрибали сотувчи хизмат кўрсатапти. Пештахталар тўқин-сочин. Дўконда қишлоқ хонадорлари учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб саноят молларигача бор.

«САНГЗОР» ДЎКОНИ

Б. Мусаевнинг таъкидлашича, янги дўконнинг Сангзор қишлоғида қурилганидан катта кичик хурсанд. Чунки рўзғорга керакли бўлган оддий совун ё туз туғаб қолса ҳам одамлар ё бозорни кутишга ё бир неча ўн километр йўл босиб марказга боришга мажбур эди.

— Жамиятимизга қарашли 22 та дўкон бир ойда 22 миллион сўмлик савдо қилиши керак. Утган ой бу топшириқни ортга билан уудаладик. Ҳозир яна иккита дўкон қураямиз. Уларнинг ишга тушиши аҳолига янада қулайлик туғдиради, - деди Бахриддин Мусаев сўзининг якунида.

БОБОЛАР КАСБИ

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг Вазирил Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярим яқунларига бағишланган йилгилишдаги тарихий нутқиде миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили — ўрта ва кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Мамлакатимиз тадбиркорлари қатори бу муҳим ҳужжат қорақалпоғистонлик ишбилармонларни ҳам руҳлантириб юборди.



Суратда: тадбиркор Б.Низимбетов ўғиллари ва неваралари билан янги ясалган буюмларни кўздан кечирмоқда.

— Қирқ йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган бўлсам ҳам мустақиллик йилларидагиде эркинлик сезмаганим, - дейди Элиқалъа туманидаги Фани Одилон номидаги фермер хўжалиқлар уюшмаси аъзоси Бекжон ака Нигезимбетов. — Дурадгорлик қилман, ёғондан турли-туман мебеллар, стол-стул, дераза, эшик ясайман. Хуллас, ота-боболаримизнинг хунарини давом эттиришга ҳаракат қилман. Бу борада ўғилларим — Расулбек, Қадирберди ва Одилбек, невараларим менга қўмақдош бўляпти. Бахтим ҳам, тахтим ҳам шундаки биз хунарманд-усталар меҳнати мамлакат миқёсида кадр топапти, эъзозланапти. Шахсан йўлбошимизнинг ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Бу эса бизни янги ташаббус ва галабаларга илҳомлантириб, юрт озодлигини мустаҳкамлашда буюк ишга масъуллигимизни оширмоқда.

А. ИСКАНДАРОВ.

«Янгибод» ширкатлар уюшмаси собиқ бригадда бошлиғи Муҳаммад Саҳадинов биринчилар қаторида фермерлар сафига қўшилди. Унинг саъй-ҳаракати билан ўн киши мўқим ишга бўлди. Ерни эъзозлаш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида вақт билан ҳисоблашмай ишлади. Боз устига ўн беш бош қорамолини, шахсий автомашинасини сотиб техника, ўғит олди. Дастлабки кезлар фаолият чорвачиликка йўналтирилди. Тадбиркор тасарруфиде 58 гектар майдон бор эди. Уша йили натижа чакки бўлмади. Истеъмолчиларга 3,5 тонна гўшт, 2,5 тонна сўт етказиб берди.

Бироқ, вақт ўтиши билан маҳаллий раҳбарлар уни қўллаб-қувватлаш ўрнига баъзилар ташаббус кўрсатиб ишлаётган омилкор йўлига сунъий тўсиқлар қўя бошлади. Кунларнинг бирида туптаузук бедазорни бузиб, пахта етиштиришга киришиш лозимлигини қатъий таъкидлашди. Шу билан Муҳаммад аканинг чорвачилик йўналишидаги ишлари барҳам топди.

1998 йилни фермер минг азоб билан эслади. 14 гектарга галла уруги қадади. Ҳосил пишиб етилиши арафасида унинг қўлига туман ҳокимининг қарорини тутқазиди. Не кўз билан кўрсинки, у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги асоссиз равишда туртилган, ер майдони эса хўжалик ихтиёрига ўтказилган эди. Алам қиладиғани шуки, не ҳарсатда етиштирилган галлани

«Ишонч» бонг уради

— Аввалги еримда минг туп тут, беш юз туп турли хил ниҳоллар экиб, парварилгандайми, — фикрини ифодалайди тадбиркор. — Қарангки, ер ўзгалар тасарруфига ўтгач, уларнинг ярим йўқ бўлиб кетди. Қарасам эски майдонлар эгасиз қолди. Шунда 24 гектарни ўз та-

сарруфимга олдим. Баъзилар тадбиркорликка кенг йўл, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, дейишадую, амалда эса... Нимасини айтмай, 1998 йилда топширган 6 тонна ҳосил ҳужжатга эга бўлди.

Уша кезлар Муҳаммад ака тахририятимизга ҳам мурожаат қилган эди. Туман раҳбарлари ҳузурда бўлиб, адолатсизлик сабаблари билан қизикдик. Масала кўндаланг қўйилди, фермерга янги ер берилди. Омилкор шунда ҳам нолимай «Саҳадин бобо» фермер хўжалигини очиб, берилиб ишга киришди.

Ўтган йил кузда Саҳадинов бошлиқ хусусий хўжалик эгалари кенгашиб, 4 гектар ерга галла экишни мўлжаллашди. Ахир бир товўққа ҳам сув, ҳам дон керак. Уруг ҳам, бошқа тадбирлар учун маблағ ҳам ўз ёнларидан бўлди. Экин униб чиққач, Сирдарё дон қабул қилиш

тарихий нутқи барча тадбиркорлар қатори Муҳаммад Саҳадиновнинг ҳам қаддини тиклади, унга ирода, куч-қувват бахш этди. Давлатимиз раҳбарининг: «...Узининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи галда, ўз кучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир», деган гаплари нақадар ҳаётий эканлигига Муҳаммад ака йиллар мобайнида чуқур ишонган.

Ҳа, етмишни қоралган кекса деҳқонга — тадбиркорга осон бўлмади. У уч бора фаолиятини янгитдан бошлашга мажбур бўлди. Энди қад ростлаганда сунъий тўсиқ орзуларини саробга айлантирдиди. Бироқ ҳадемай бундай адолатсизликка чек қўйишга биринчи навбатда Муҳаммад аканинг ўзи қатъий ишонмоқда. Вазирил Маҳкамасининг тарихий ҳужжати бундай омилкор, ташаббускор кишиларга мустаҳкам қалқондир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

ҚИШЛОҚДАГИ КОРХОНА КОНСЕРВАСИ

Бундан бир йил илгари Чортоқ туманининг чекка тоғ олди қишлоқларидан бири — бог-роғлар ва узумзорларга бурканган Пешқўрғон қишлоғи аҳолиси қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бошқа жойлардан харидор излашга мажбур эди. Муаммони қишлоқ ҳудудиде жойлашган ширкат хўжалиги ҳам тузуқроқ ҳал этиб беролмади. Бу ерда жойлашган мини-консерва цехи эса усқуналар етишмаслиги туфайли узок вақт бекор туриб қолди.

Бугунги кунга келиб аҳоли бутунлай ўзгарди. Пешқўрғонда «МАСК» Ўзбекистон-Россия-Буюк Британия қўшма корхонасининг «Лидия» деб номланган шўба корхонаси ташкил этилди. Илгариги мини цех ўрнида 3 миллион банкдан ошқ консерва маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга янги корхона қад ростлади.

Асосий эътиборни ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кўпайтиришга қаратдик, - дейди шўба корхона директори Анвар Раҳмонов.

Илгари фақат помидорни қайта ишлаш билан чекланган корхонамиз бугунги кунда харидорларга помидор шарбатини, шинни, мева қиёмли, турли мевалардан тайёрланган компотлар ва бошқа 28 турдаги маҳсулотни тақлиф этмоқда. Корхонага маҳсулот топширишни истовчилар сони ошиб бормоқда. Тумандаги қўшни хўжалиқлар доимий миқозимизга айланган. Ҳамкорларимиз билан қилишилган мuddатларда ҳисоб-китоб қиламиз. Масалан, пешқўрғонлик Исмоил Маҳмуджон ўтган йилнинг август ойи бошида бизга сотган 7 тонна ўриги учун 400 минг сўмдан ошқ пул олди.

«Лидия» шўба корхонаси жамоаси эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмоқчи эмас. Корхона раҳбарияти шарбатлар ва қурилган мева тайёрлаш учун усқуналар сотиб олишни мўлжалламоқда. Шунингдек, помидордан тайёрланадиган маҳсулот турларини ҳам кенгайтириш режалаштирилган.

Н. ХУҲАЕВА,
ЎЗА муҳбири.

Маънавиятимиз сарчасмаси

Ростлик, тўғрилиқ — инсоний фазилат. Унинг ҳақиқат, ҳаққонийлик сингари ўқ томирлари борки, одамлар куч-қудратини ундан олади. Шунинг учун ростлик кишиларга ўзининг беадад тўғраларини ато этаверади. Ростликдан тўғрилиқ айрайди. «Тўғриликдан унади, эгриликдан сўнади» хикматлари ҳам бежиз айтилмаган ёки «Тўғри бўлсанг, ўниб-ўсиб гул бўласан, эгри бўлсанг, сўлиб-сўлиб кул бўласан» каби дурдоналарда маъно мўл, мазмун тўлади.

мизнинг баҳоси янаям ойдинлашади. Зеро, «Ҳақгўйлик ва ростлик, дейилган «Авесто»да, Тангрининг номидир». Ростликнинг, ҳақгўйликнинг бунчалик улуглиги беқорга эмас. Чунки, ростликнинг меваси ширин, мазаси тотли. Унинг яна қанчалаб ижобий томонлари борки, оддий

«АВЕСТО» — РОСТЛИК МАДҲИ

Аждодларимиз ростгўйликни эъозлаганлар, унинг янги-янги қирраларини кашф этиб, сайқаллаганлар, бало-қазолардан асраб-авайлаганлар. Ўз даврининг улуглари ростгўйликни маромига етказиб мадҳ қилганлар, дилбар жумлалар битганлар. Доншмандларимиздан бири «Ростгўйлик ҳаёт нафаси, у ҳар қандай фазилатларнинг негизи» деса, бири «Хатто майда-чуйдаларда ҳам ростгўй бўлиш керак» эканлигидан сабоқ берган.

нинг пок муҳаббатидан сенга энг яхши тўғфа келтирган бўлади». Дарҳақиқат, «одамларни ростлик ва ҳақиқат йўлига ҳидоят этишлик» нафақат эзгулик, яхшилик, балки энг улуг савоблар сирасидандир. Инсонлар учун савоб аини мударидир, уларнинг азалий орзу-умиди ҳам шу. «...Ўзи (яратган)нинг пок муҳаббати (илоҳий ишқ)дан сенга энг яхши тўғфа келтириши» сажда қилувчилар учун олий неъмат ҳисобланади. «Забардаст ва қудратли бўлиш учун, — дейилган илоҳий китобда, — ҳамиша ҳақиқат юзасидан амал қилгин, ҳақиқат ва ростгўйликка амал қилсанг, забардаст ва қудратли бўласан».

санаш билан ҳам поёнига етолмайсан киши. Одамзот ҳамиша ростликдан яйраган, унинг муаттар бўйидан кўнгли таскин толган. «Ёлгон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши» ҳикмати ҳам аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий меросидир. Халқ нақлига айлиб қолган дуру жавоҳирлар бебаҳо саналиб, қадр-қиммати ҳам шунга ярашади. Зеро, илоҳий мажмуанинг ҳар сатридан хушхўлиқ наволари таралади, майин мусиқа тинглангандай беихтиёр танга роҳат, дилга фароғат бағишлайди.

Илоҳий мажмуа «Авесто»да ҳам ростгўйлик маромига етказиб тараннум этилган. «— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат — Ахурамазда! — дейилади унда. — Ҳар кимки эзгу андиша, эзгу сўз, эзгу амал билан ноҳақлик ва унинг тарафдорларига қарши курашса ва одамларни ростлик ва ҳақиқат йўлига ҳидоят этса, ўзи-

Ҳа, тўғрилиқка бошловчи, ростликка ундовчи калимларнинг сеҳри ўзгача, таъсири бисёр. «Авесто»нинг илоҳий китоблигини ҳисобга олсак, юқоридаги парча-

Яратганга беадад шуқрлар бўлсинки, истиқлол шарофати ила инсоният ақли тафаккурининг султонларидан ҳисобланмиш «Авесто» яна беназир хизматини давом эттирмакда. **Мусоқул УСМОНОВ, профессор.**

Каратэ

Пайарик туман марказий ўйингоҳида туман прокуратураси ва «Кўксарой» газетаси саворни учун каратэ бўйича Ўзбекистон биринчи турнири ўтказилди. Мусобақа иштирокчиларини вилоят ҳокими ўринбосари А.Мамамов, Пайарик туман ҳокими Ш.Остонов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали бош директори Хуршид Даврон ва бошқалар самимий кутлади.

МАҲОРАТ МАЙДОНДА БИЛИНАДИ

Икки кун давом этган мусобақада 8 ёшдан 38 ёшгача бўлган каратэ усталари уч тоифада татамида куч синашди. Полвонлар сафида республика ва халқаро турнирлар голиб ва савриндорлари, Италияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати қатнашчилари, Ашхобода ўтказилган Евроосиё биринчилиги иштирокчилари бор эди.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Зарафшон (Навоий) жамоаси биринчи, пайарикликлар иккинчи ва Жиззах вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, каратэ бўйича турнир мамлакатимизда илк бор ўтказилди. Шунга қарамадан, мусобақа ўнлаб ёш иқтидорларни кашф этди, юзлаб ўсимирларда спортнинг мазкур турига ҳавас уйғотди. Энг асосийси, туман прокуратураси оталиқча олган Пайарик каратэ мактаби тўлиқ шакланиб улгурганини исботлади. — Каратэ шу қадар оммавийлашиб кетдики, ҳар битта оилада унинг ихлосмандлари бор, — деди туман прокурори Ф.Жумаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Энг муҳими, кўчада бекорчи юрадиган болалар спортга жалб этилди.

Мини-футбол КУМУШ ҲАМ ЁМОНМАС

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига омад кулиб боқмоқда. Терма жамоамизнинг 1999 йилдаги муваффақиятли дебюти унга Осиёнинг энг яхши бешта терма жамоаси қаторидан ўрин олиш имконини берди. 2000 йилги чемпионатда рақобат қилиб бўлгани сабабли жамоамиз ўз натижаларини яхшилай олмади, бироқ яна кучли бешликдаги ўрнини сақлаб қолди. Эронда нихоясига етган бу галги чемпионатда мамлакатимиз чарм тўп усталари муваффақиятли иштирок этди.

Футболчиларимиз Тожикистон терма жамоасини 7:1, малайзияликларни 10:5, Қувайт футболчиларини 3:2, таиландликларни 4:3, Жанубий Корея футболчиларини 4:0 ҳисобида доғда қолдирди. Қозоғистон спортчилари билан бўлган учрашувда эса дуранг натижа - 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Финалда терма жамоамиз учрашувни майдон эгаларига бой бериб, кумуш медал соҳиб бўлди.



8-13 август кунлари Тошкентда «Ўзқўрғазма-савдо» мажмуида илк бор ёшлар ўртасида юнон-рум ва эркин кураш бўйича IX жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон кураш ассоциацияси бош қотиби Константин Михайлов ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик жараёни тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Чемпионатни қаерда ўтказиш лозимлиги тўғрисидаги масала уч йил илгари ҳал этилган. Юртимизда ҳар йили ўтказилаётган кураш бўйича Мустақиллик кубоги халқаро мусобақаларининг меҳмони бўлиб келаётган Халқаро кураш фе-

дерецияси (ФИЛА) раҳбарияти мамлакатимиз ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатини қабул қилишга тайёр, деган хулосага келди. Бунга давлатимизнинг спорт соҳасидаги халқаро обрўси ошаётганлиги сабаб бўлди. Чемпионат иштирокчилари Тошкентнинг энг яхши

меҳмонхоналари — «Интерконтинентал» ва «Ўзбекистон»да жойлаштирилади. Улар бўш вақтларида ҳар бир жамоанинг ҳомийлари томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича хордик чиқарилади. Биз юртимизга меҳмон бўлиб келган ёш полвонларни халқимизнинг ўзига хос ракс ва мусиқа санъати билан таништиришга ҳаракат қиламиз. Турнир-

нинг тантанали очилиш маросимида ва ҳар кун мусобақалардан олдин таниқ санъаткорлар иштирокида катта байрам концертлари уюштирилади. Спортчиларнинг ўзбек эстрадаси юлдузлари билан учрашувларини ўтказиш мўлжалланмоқда. Ҳозирга қадар 53 мамлакатдан 600 нафардан ортиқ спортчи Тошкентга ташир-

буориш ниятини маълум қилди. Мусобақаларда 18 та вазн тоифаси бўйича 18 та медал тўплами уйналади. 16 нафар юқори малакали ҳакамдан иборат ҳакамлар хайъатини ФИЛА инструкторлари жанубий кореялик Ким Ик Жонг ва эронлик Махди Халидий бошқаради. Турнирнинг кўп сонли меҳмонлари қаторида юртимизга ФИЛА вице-президенти Михай Биро ҳам ташриф буюради.

Чилонзор тумани 270-урта мактаб томонидан 1994 йил Усманова Мунира Зоҳиджоновна номига берилган №026624 рақамли гувоҳнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Наманган вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши раиси Каримжон Раимжоновга умрдоши **ЎКТАМХОН Раимжоновнинг** вафот этганиги муносабати билан чўкур таъзин иҳоз этади

Қизлар дафтаридан

ҚАЙДАСАН, ҚУЁШИМ

Юлдузлар севгисин назарга илмай, Қуёшга интилдим, бўл деб сарбоним, Булутли кунларда қуёшим келмай, Юрагим тўлдирди тийра армоним.

Мен сенга ёмонлик кўрдимми раво, Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл дедим, Ёнимдан ўтасан нечун бепарво, Аҳду паймонимни бузганми эдим!

Сенла ўтган кунлар шўх-шодон эди, Банди қилган эдинг юрагим тўрин, Сенсиз қўшиқларим қўшиқмас энди, Наҳотки қалбингда йўқ эди ўрин.

Кўзларим йўлингга бўлди интизор, Ва лекин келмадинг қалбим посбони, Дилимнинг торлари тортилди таранг, Қайдасан қуёшим, ёрит дунёни. Мўътабар **ТОЖИБОЕВА.**

БУНЧА БАХТИЁРСИЗ

Жуда гўзал эдим, жудаям гўзал, Бошим баланд эди, қоматим адл. Худодан муборак иккита гавҳар, Дунёнинг кўзига боқарди дадил.

Шундай бой эдимки, шундай бадавлат, Магрибу машриқни қамрарди мулким. Иштиҳо йўқ кунлар энг хуштаъм овқат — Сиз ийманиб олган бир даста гулим.

Ҳеч кимнинг менингдек уйи йўқ эди — Тўлқин ўйрлаган эшқаксиз қайиқ. На-да, надоматнинг кўйи йўқ эди, Гар қибла тўрт томон ва бошим очик.

Фурбатларга ошно тутинмагандим, Туртазмаган эдим китобдай дилим, Мен сиздан ҳеч нарса ўтинмагандим, Бунча бахтиёрсиз, менинг севгилим! Маҳмуда **ЖўРАЕВА.**

КҮЙ ҚҮШИҚҚА УЛАНДИ

Усмон Носир номли Наманган вилоят ёшлар театр-студияси жамоаси болалар оромгоҳларида бўлди.

Наманган санъат коллежининг талабаларидан таркиб толган ижодий гуруҳ бадий раҳбарлар Каримжон Йўлдошев, Валижон Арабов, режиссёр Тошканбой Отажонов бошличилигида Косонсойдаги «Соҳил», «Ёшлик», «Умид», «Олмасор», «Шодлик», «Атлас», Тўрақўрғон туманидаги «Ширин», Чортоқ туманидаги «Соҳил» каби кўплаб оромгоҳларда бўлиб, ёш томошабинларга «Карвонсарой» деб номланган кўйиқчоқ спектакли ва махсус концерт дастурини намойиш этди.

Айни кунларда мавсумнинг учинчи босқичи учун ижодий режарлар устида ишлаб, — деди театр студиясининг бадий раҳбари Каримжон Йўлдошев. — Ёш дўстларимизга «Эртанги кун бизники» номли драма тўғфа этмоқчимиз. Ҳозир асарни саҳналаштириш ниятисига етиб қолди. Ҳомийимиз вилоятдаги «Электр қурилмалари» корхонасидир. «Туркистон-пресс».

Таълим чорраҳаларида

Мамлакатимизда шундай ўқув даргоҳлари борки, уларда бугунги кунда жаҳон андозалари даражасида мутахассислар тайёрланмоқда. «Келажак илми» — халқаро бизнес мактаби — ана шундай ўқув даргоҳларидан биридир. У 1991 йилда Америка Қўшма Штатларидан келган профессорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган эди.

— АҚШда малака ошириб, қайтганимдан сўнг, ҳамкорларимиз билан биргаликда ўқув дастури ишлаб чиқдик, — дейди халқаро бизнес мактаб раҳбари Мила Эшонова. — У ердан турли фанлар бўйича 500 га яқин дарсликлар, тестлар олиб келганимиз жуда асқотди. Машғулотлар бу ерда инглиз тилида олиб борилганда ҳам талабаларга хорижий компания, элчихона ва банклар вакиллари дарс беради. Энг муҳими, илк кунлардан «Фақат билим учун» широри амал қила бошлади.

Бизнес мактаб талабаларига АҚШнинг Шимолӣ Каролина штатидаги компанияларда (АТ&Т) малака ошириш имконияти берилгани айни мударо бўлди. Улар фақат йўл харажатларини тўлашди, қолганини эса АҚШлик ҳамкорлар ўз зиммалари олдидилар. Талабалар хорижий компания мутахассисларига тестлар топширишди ва ўз мутахассисликлари бўйича сертификат олишди. Битирувчилардан 5 нафари АМРО Банк, ЭДЭУ каби йирик банкларга ишга таклиф этилди.

Халқаро бизнес мактаби ҳўжалик ҳисобида иш юритиб келмоқда. Унинг моддий базаси 1995 йилда «Евроосиё» фонди ёрдамида яратилган. Мактаб халқаро конкурсда 19760 АҚШ долларига эга бўлиб, бу маблағ эвазига 2 компьютер, телевизор, видеомонитор ва нусха кўчириш машинаси сотиб олди. Тадбиркорлик билан

тимиз тарихида биринчи бўлиб, халқаро SIFE (талабалар эркин тадбиркорлик фаолияти) мусобақасида жаҳондаги 667 та энг йирик университетлар қаторида иштирок этганлиги ҳам бунга тасдиқлаб турибди. Дарвоқе, халқаро бизнес

КЕЛАЖАК ИЛМИ

иш юритиш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим омиллардан бири Зеро, 1996 йилда бизнес мактаб ўз сарф харажатларидан ортган маблағ эвазига акциялар сотиб олди ва кейинги йил май ойидан бошлаб, дивидентлар олина бошланди.

Афсуски, кўпгина ёшлар олий маълумотли дипломга эга бўла туриб, ўз ишини тополмай юришибди. Шу муаммага биз ҳам дуч келмаслик мақсадида ва уни ҳал этиш учун талабаларимизни кучли билим билан қуроллантиришга аҳд қилганмиз, — дейди Мила Эшонова.

Шу ҳаракатлар натижасида бир мунча ютуқлар қўлга киритилмоқда. Агар 1997-98 йиллар халқаро бизнес мактабига олий ўқув юртига киролмаган ёшлар кўпроқ ҳужжат топширган бўлса, кейинги йилда қабул қилинганлар орасида олий маълумотли, дипломли ёшлар ҳам бор. Буларнинг барчаси, халқаро бизнес мактабига мутахассис тайёрлаш ва унга билим беришда сифатга алоҳида эътибор берилётганидан дарак беради.

Халқаро бизнес мактаби талабалари эришяётган ютуқлар дарҳақиқат, гоят қувонарли. Уларнинг мамлака-

мактабининг йирик танловларда қатнашиши унга молиявий қудрат ҳам бахш этмоқда, тушяётган маблағлар мактабнинг ривожланишига сарфланмоқда. Ҳозирги пайтда мактаб тўла ўқитиш техник воситалари ва юксак малакали хорижий мутахассисларга эга. Ўқув даргоҳи интернет тармоғига уланган иккита компьютер хонаси, компьютерлаштирилган аҳолий бой кутубхонага эга.

Талабалар, интернетдан бепул фойдаланадилар. Келгуси йилдан интернет дарслари ҳам йўлга қўйилади. Яқин келажакда эса «Бизнес қонунлари» ва «Компьютер технологияси» бўйича хорижий компаниялар талабига мос мутахассислар тайёрлаш режалаштирилган.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқага киришяётган мамлакатимиз учун давр талабига мос мутахассислар зарур. Яқинда «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ана шу эзгу ишни меваси сифатида, халқаро бизнес мактабини битирган 14 нафар талабага халқаро сертификатлар топширилди. **Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири.**

Жума ўғити

Эй фарзанд, билгилки, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағай. Кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхшидир. Бир донишманддан сўрадиларки, «Дўст яхшими, биродар?». Донишманд деди: «Дўст яхши».

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил, чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари ҳам ошқор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни толанганда, эски дўстандан кечмагил, улардан юз ўгирмагил, токи ҳаммаша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст қизинг улуг давлатдир.

ДўСТ ТАНЛАШ ҲАҚИДА

Ақлсиз одамлар билан харгиз дўст бўлмаган, ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Ақлсиз дўст шундай иш қиладики, ақлли душман уни қила олмади. Олижанов, муруватли, илмли, вафол кишиларни дўст тутгилки, сен ўзининг муруватинг, шафқатинг, илминг билан машхур бўлгансан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одамлар билан ўтирмагилки, (бундай одамлар билан ўтиришдан) танҳолик яхшидир. Дўстларнинг ҳақини асло бекорга кеткимасангил, токи сени маломат қилмасинлар.

Эй фарзанд, одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлсин. Дўстинг кўп деб барчасига умид билан кўнгул борламагил, илгари ва кейинга қарагил. Дўстларнинг эътиқодидан фойдаланмагил. Агар сенинг мингта дўстинг бўлса, зоҳирда ҳаммасига сендан дўстроқ киши бўлмағай. Дўстлиқни мўл-кўчлик, сир айтиш, таом ва тангдастлик билан, фойда ва зиён билан синаб кўр. Агар дўстинг сенинг душман билмаса, уни дўст демагил, ошна (таниш) дегил. Дўстингга дўстлик вақтида бир нарса ўргатмагил, чунки вақти келиб дўстинг сенга душман бўлиб қолса, ўргатганинг ўзингга зиён қилур, пушаймон бўлурсан. Қашшоқ бўлсанг, бадавлат билан дўстлашмагил, чунки қашшоқни ҳеч ким дўст тутмайди. Ўзингга лойиқ дўст ахтаргил. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни дўст тутсанг раводир. Аммо халқнинг дўстлигига кўнглингни рост тутгил, токи ҳамма ишларинг тўғри бўлғай. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қолса, яна қайтадан унинг кўнглини олишга ҳаракат қилмагил, таъмали, кин-адоватли дўстанд узоқ бўлгилки, унинг дўстлиги ҳақиқий эмасдир, балки таъма учундир. Ҳасади кишиларга асло дўст бўлмагил, кин-адоватли, ҳасадли киши дўстликка лойиқ эмасдир, чунки ҳосидинг ҳасади асло кетмайди ва ҳаммаша сендан норози ва гинали бўлади. («Кобусномадан»)

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва зўлонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақчиланди. Офсет усулида бошилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.